

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

КАФЕДРАСИ

К. БОҚУБОЕВ

Мавзу: Маъмурий ҳуқуқ предмети, усули ва тизими.

маъруза матни

5380100-«ЮРИСПРУДЕНЦИЯ» бакалавр йўналиши талабалари учун

НАМАНГАН – 2012

Ушбу маъруза матни маъмурий ҳуқуқ фанидан маъруза, семинар машғулотларига тайёрланишга бағишланган ва олий ўқув юртларининг 5380100-«юриспруденция» мутахассисликлари учун мўлжалланган. Ҳозирги пайтда фанни ўқитишдан мақсад - талабаларга маъмурий ҳуқуқ тизимига оид масалаларни, давлат бошқаруви органлари ва уларнинг функциялари, ваколатлари, шунингдек, ижтимоий ҳаётни эркинлаштиришда ушбу органларнинг аҳамияти тўғрисида тушунтириш.

Такризчилар:

М.Акаева

НамДУ ҳуқуқшунослик кафедраси доценти, ю.ф.н.

Темиров А.

Наманган вилояти “Ҳимоя” адвокатлар фирмаси бошлиғи.

Ушбу маъруза матни Наманган Давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультети Илмий кенгашининг 2012 йил 28 августдаги 1-сон мажлисида (баённома №1) кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган.

Ушбу маъруза матни Наманган Давлат университетининг ҳуқуқшунослик кафедрасининг 2012 йил 27 августдаги 1-сон мажлисида (баённома № 1) кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган .

Наманган Давлат университети Илмий кенгашининг 2012 йил 29 августдаги 1-сон мажлисида (баённома №1) кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган .

Мавзу: Маъмурий ҳуқуқ предмети, усули ва тизими.

Режа :

- 1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси ва предмети.**
- 2. Маъмурий ҳуқуқ ва уни бошқа ҳуқуқий фанлар билан ўзаро алоқаси.**

3. Маъмурий ҳуқуқ тизими.

4. Маъмурий ҳуқуқ манбалари.

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси ва предмети. Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, яъни давлат органларининг ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ соҳасидир.

Давлат бошқаруви ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим томонларини қамраб олади. Бу жараёнда ҳўжалик ташкилотчилик, маданий, маърифий ишларни амалга оширилади, маъмурий-сиёсий масалаларни ҳал қилинади.

Давлат бошқарувини ташкил этиш тартиби ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўз ичига олган ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи маъмурий ҳуқуқ деб аталади.

Маъмурий ҳуқуқ томонида тартибга солинадиган муносабатлар қуйидагилардан иборат: яъни,

- ташкилий жihatдан бири иккинчисига бўйсунадиган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан вазирликлар; қумиталар; ҳокимликлар) ўртасидаги муносабатлар;

- бир-бирига бўйсунмайдиган давлат идора органлари (икки вазирлик, икки ҳокимлик);
- давлат идора органлари ва уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;

- давлат идора органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;

- давлат идора органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқ - давлат бошқарув органларининг ижрочилик ва фармойиш берувчилик фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг деярли барчаси маъмурий ҳуқуқ нормалари ёрдамида амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат ҳуқуқи нормаларидан келиб чиққан ҳолда, аввало бошқарувига хос бўлган хусусиятларни ва унинг бошқа давлат фаолияти турлари (қонунчилик, суд, прокурор назорати ва бошқалар) билан ўзаро муносабатини, шунингдек, давлат бошқаруви тамойилларини мустаҳкамлайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузулиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради. Ушбу нормалар давлат аппаратида хизмат қилиш тартибини, хизматчиларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари шу билан, бирга бошқарилувчи объектларнинг алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни тақсимлашни, иш хакини белтилашни ҳам мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизминини ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар қандай бўзилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди. Маъмурий ҳуқуқ нормалари жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳуқуқий мақомини ўрнатишида катта аҳамиятга эга.

Маъмурий ҳуқуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади. Миоол учун, йўл ҳаракати қоидалари, жамоат жойида юриш-туриш қоидалари, ов қилиш, оавдо, санитария ва ёнгандан саклаш қоидалари ва х.к. бошқарув органлари ушбу қоидаларнинг бажарилшп устидан контролни амажа ошириш, уларнинг бўзилганлигида давлат мажбурлов чораларини куллайдилар. Шундай қилиб, маъмурий ҳуқуқ нормалари қандай қилмишлар (ҳаракат ёки

ҳаракатсизлик) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши, маъмурий жавобгарлик тури ва усулини, бундай ҳуқуқбўзарларни кўриб чиқиш тартибини ўрнатади.

Рус олими Петров Г.И.нинг фикрича «маъмурий ҳуқуқ нафақат давлат бошқарувини» балки жамоат бошқарувини ҳам тартибга солади. Давлат жамоат ташкилотлари ва органларига баъзи бир ҳуқуқий ваколатларни амалга ошириш имкониятини беради. Масалан, корхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши ёки кенгашининг ваколат доирасини белгилаб беради. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, жамоат бошқарувининг кўпгина томонлари қонунчилик билан эмас, балки жамоат ташкилотларининг нормалари масалан, Устав, Низом билан тартибга солинади, Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувининг барча соҳаларини, шу жумладан халқ хўжалиги соҳасини бошқаришни тартибга солади. Лекин "хўжалик ҳуқуқи" тарафдорлари ушбу қарашни инкор этишади. Уларнинг тасдиқлашларича, халқ хўжалиги соҳасидаги бошқарув муносабатлари ҳамда корхона ва бирлашмалар томонидан хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ягона хўжалик муносабатлари ҳисобланиб, хўжалик ҳуқуқи" томонидан тартибга солинади. Маъмурий ҳуқуқ фани тарафдорларининг- фикрича эса, халқ хўжалиги соҳасидаги давлат бошқаруви - давлат бошқарувининг ягона ажралмас қисми бўлиб, у маъмурий ҳуқуқ фани томонидан тартибга солинади.

2. Маъмурий ҳуқуқ ва уни бошқа ҳуқуқий фанлар билан ўзаро алоқаси.

Маъмурий ҳуқуқ фани ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ўз усулларига эга. Маъмурий ҳуқуқ усулларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан фарқлай олиш лозим. Сабаби, бир хил ижтимоий муносабатларнинг ҳам маъмурий ҳуқуқ, ҳам фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинишида керак бўлади (масалан, савдо соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқ томонидан ҳам, фуқаролик ҳуқуқи томонидан ҳам тартибга олинади). Фуқаролик-ҳуқуқий усуллари орқали тартибга солишда томонлар эрки юридик жиҳатдан тенглаштирилган. Маъмурий ҳуқуқда эса ҳамма вақт бир томоннинг эрки юқорида туради, яъни бу маъмурий ҳуқуқда томонларнинг тенг эмаслигини англатади. Маъмурий ҳуқуқда бир томон давлат-ҳокимият ваколатига эга бўлади ҳамда иккинчи томон учун бажарилиши мажбурий бўлган бошқарув актларини чиқаради, давлат контролини амалга оширади, қонунда назарда тутилган ҳолларда мажбурий чораларни қўллайди. Иккинчи томон эса давлат бошқаруви органи ёки мансабдор шахс томонидан чиқарилган қарорга буйсуниши лозим, қонун бўйлаб ҳолларда эса ваколатли давлат органларига шикоят қилишлари мумкин.

Юқорида айтиб ўйлангандан, маъмурий ҳуқуққа томонларнинг тенг эмаслиги хусусияти хосдир, деган хулосага келиш керак эмас. Чунки, маъмурий ҳуқуқда келишиш усули ҳам мавжуддир. Масалан, икки орган ўртасида юзага келган масалалар ўзаро тенглик, яъни икки орган келишуви билан ҳал этилиши мумкин. Бу маъмурий ҳуқуқда горизонтал маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини англатади.

Маъмурий ҳуқуқ фани давлат (конституцион) ҳуқуқ фанига жуда яқин туради. Лекин шу билан бирга бу икки фан ўртасида ўзаро фарқлар мавжуд. Давлат (канституцион) ҳуқуқи фани ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Унда давлатнинг ижтимоий тузулиши ва сиёсатнинг асослари, давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар. миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузулиш, давлат органлари тизимининг асослари ифодаланган. Давлат ҳуқуқи фанининг предмети маъмурий ҳуқуқ фанининг предметида кенгдир. Масалан, давлат ҳуқуқи барча давлат органлари учун умумий бўлган ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тамойилларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ нормалари эса, юқоридагиларга

асосланиб, давлат бошқарувида уларни қўллашни тартибга солади, Давлат ҳуқуқи фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини белгилаб беради. Маъмурий ҳуқуқ эса давлат ҳуқуқининг кўпгина нормаларини янада аниқлаштиради, фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини асосий бўлмаган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан тўлдиради, фуқаролар томонидан ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар бажарилишининг бошқарув механизмини белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу жараён давлат (конституцион) ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Маъмурий ҳуқуқ эса мана шу шикоятларнинг қайси органга тегишлилигини, шикоятни кўриб чиқиш муддати ва тартибини ҳамда бошқа томонларни тартибга солади.

Маъмурий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу икки ҳуқуқ соҳаси баъзи бир хил ижтимоий муносабатларни тартибга солади, лекин турли усуллар ёрдамида. Масалан, ваколатли давлат органининг буйруғига биноан бир хўжалик ташкилоти бошқасига бино ёки иншоотни беради. Бунда давлат бошқарув органи ҳокимият усули, яъни маъмурий ҳуқуқ ёрдамида икки хўжалик ташкилотининг мулкӣ муносабатини тартибга солиб турибди. Фуқаролик ҳуқуқи эса мазкур ташкилотлар ўртасида тузуладиган шартномаларни тартибга солади. Фуқаролар иштирокидаги кўпгина фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари давлат бошқарув актлари орқали юзага келади. Баъзи ҳолларда эса мулкӣ муносабатлар давлат бошқаруви актининг ўзидан тўғридан-тўғри (яъни шартномасиз, масалан, жарималарни ундириш) келиб чиқади. Айрим ҳолларда давлат бошқарув органлари давлат органи сифатида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи нормалари асосида ҳаракат қилувчи-юридик шахс сифатида намоён бўлади. Масалан, давлат бошқаруви органи бирон-бир ташкилотдан бинони ижарага олиши ёки алоқа корхонаси билан тузулган шартномага асосан телефон алоқасидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда давлат органи бошқарув органи сифатида ҳаракат қилмайди.

Баъзи бир маъмурий ҳуқуқ нормалари меҳнат ҳуқуқи нормалари билан ўзаро боғлиқ. Маъмурий ҳуқуқ нормалари меҳнат муносабатларини тартибга солувчи давлат бошқарув органининг (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг) ваколатини белгилаб беради. Меҳнат муносабатлари соҳасидаги бошқарув актларининг мазмунини меҳнат ҳуқуқи тартибга солиб турса, маъмурий ҳуқуқ эса ушбу актларни чиқариш тартибини белгилайди. Масалан, фуқаро корхона билан меҳнат шартномасини тизганида меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларга киришади. Корхона раҳбарининг ишга қабўл қилиш тўғрисида чиқарган буйруғи маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Давлат аппаратидаги хизмат маъмурий ҳуқуқ томонидан ҳам, меҳнат ҳуқуқи томонидан ҳам тартибга солинади.

Маъмурий ҳуқуқ молия ҳуқуқи билан ҳам боғлиқдир. Молия ҳуқуқи давлатнинг молиявий фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, биринчи навбатда эса миллий даромадни ташкил этувчи-пул маблағларининг йиғилиши ва тақсимлашни тартибга солади.

Молия ҳуқуқида молиявий муносабатларни тартибга солишда тўғридан-тўғри буйруқ бериш усули (яъни, маъмурий ҳуқуқ усули) кўп қўлланилади. Молия органларининг компетенциясини белгиловчи ҳуқуқий нормалар бир вақтнинг ўзида ҳам маъмурий ҳуқуқ, ҳам молия ҳуқуқи нормаси ҳисобланади.

Молия органлари қарорларининг мазмунини белгиловчи нормалар - молия ҳуқуқи нормаларидир. Молия органлари ишини ташкил этиш эса, маъмурий ҳуқуқ нормалари билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, маъмурий ҳуқуқ молия соҳасидаги бошқарув муносабатларини тартибга солса, молия ҳуқуқи молиявий

муносабатларнинг ўзини тартибга олади. Масалан, солиқ органлари солиқларни ундириш жараёнида молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган молиявий муносабатларга киришадилар. Солиқ органлари томонидан чиқариладиган актлар маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинади.

Маъмурий ҳуқуқ жиноят ҳуқуқи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.. Маъмурий ҳуқуқ ўзида кўпгина умуммажбурий бўлган қоидаларни (масалан, йўл ҳаракати, паспорт тизими, санитария ва х.к.) ўзида мужассамлаштиради. Бу қоидабузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Лекин айрим ҳолларда яъни такроран содир этилганда ёки оғир оқибатларга олиб келганида, мазкур қоидабузарлик жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Маъмурий ҳуқуқ фани қандай ҳуқуқбузарликлар маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини белгилаб беради.

3. Маъмурий ҳуқуқ тизими. Маъмурий ҳуқуқ фанининг нормалари асосан икки қисмга бўлинади:

а) умумий қисм — давлат бошқарувининг барча соҳаларини қамраб олувчи нормаларни ўз ичига олади. Маъмурий ҳуқуқнинг умумий қисми таркибида қуйидаги нормалар ажралиб туради:

- давлат бошқаруви хусусиятларни белгиловчи ҳамда давлат бошқаруви тамойилларини мустахкамловчи нормалар.

- давлат бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини, фаолиятининг шаклини белгиловчи нормалар;

- давлат хизматини тартибга солувчи нормалар;

- бошқариловчи объектларнинг мақомини белгиловчи нормалар;

- жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги нормалар;

- фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги нормалар;

- давлат бошқарувида ишонтириш ва мажбурлаш чоралари тўғрисидаги нормалар;

- давлат бошқарувида қонунчиликни таъминлаш усули тўғрисидаги нормалар.

б) махсус қисм - маълум бир соҳада ҳаракат қилувчи нормаларни ўз ичига олади. Маъмурий ҳуқуқнинг махсус қисми ўз ичига қуйидагиларни олади;

- режалашгириш, молия, банк-кредит, солиқ, ҳисоб-китоб соҳаларидаги ва тармоқлараро фаолиятнинг бошқа соҳаларидаги давлат бошқарувини тартибга солувчи нормалар;

- халқ хужалиги, ижтимоий-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолият соҳасидаги давлат бошқарувини тартибга солувчи нормалар.

4. Маъмурий ҳуқуқ манбалари. Маъмурий ҳуқуқ манбалари бўлиб, ўзида маъмурий ҳуқуқий нормаларни ифода этган давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг (айрим ҳолларда эса, бошқа давлат органларининг) актлари ҳисобланади. Бу нормалар қонунларда, вакиллик органларининг бошқа норматив ҳужжатларида, Президент фармонларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, вазирлик ва давлат қумиталари, ҳокимларнинг норматив актларида намоён бўлади.

Бошқа ҳуқуқ соҳалари сингари маъмурий ҳуқуқнинг ҳам асосий манбаси бўлиб, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

Конституцияда ижтимоий тузум ва давлат сиёсатининг асослари мустахкамланган, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини, давлат фаолиятини ташкил этиш тамойилларини ўрнатилгандир. Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг I бўлимида Ўзбекистон давлати сиёсий тизимининг асосий

тамойиллари кўрсатиб ўтилгандир.

Конституциянинг II бўлимида эса фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари шахсий (24-31 м), сиёсий (32-35м), иктисодий ва ижтимоий (36-42м) ҳуқуқларга эга бўлиб, бир қатор бурчларни (47-52м) бажарадилар. Ўтган дарсларда айтиб ўтилганидек, маъмурий ҳуқуқ конституцион ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб беради.

Конституцияга биноан давлат бошқаруви органлари тизимида раҳбарлик қилувчи орган бу - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 89-моддага биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир. Конституцияда маҳаллий давлат ҳокимияти асослари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси ҳам маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида алоҳида бир ўринни эгаллайди. Кодексда маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси, маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва турлари, маъмурий нормаларнинг ҳаракат қилиши, маъмурий ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган давлат органлари тўғрисида кўрсатиб ўтилгандир.

Маъмурий ҳуқуқ манбаларига Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси, Божхона Кодекси Солиқ Кодекси ва бошқа кодексларни киритишимиз мумкин. Бўларда фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан бир қаторда, маъмурий ҳуқуқ нормалари ҳам ўз ифодасини топган.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида бир қанча қонунлар ҳам қиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган янги таҳрири эса 2003 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонуни алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу қонуннинг 1 -моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси давлат органлари тизимида ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқарув органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият қурсатишини таъминлайди. Қонуннинг 3-моддасида Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий тамойиллари, яъни: коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланади. Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколатлари, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари кўрсатиб ўтилган.

1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуни.

Маъмурий ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари актлари маъмурий ҳуқуқ манбаси сифатида, давлат бошқарувининг маълум бир соҳаларида ҳаракат қилади (лекин, баъзи актлар умуммажбурий характерга эга бўлиши мумкин).

Маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг актлари ҳам қиради. Масалан, маъмурий жавобгарликни кўзда тутувчи қарорлар. Бу қарорлар тегишли ҳудудда жойлашган барча мансабдор шахслар ва фуқароларга мажбурий ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси?
2. Маъмурий ҳуқуқ принциплари?
3. Маъмурий ҳуқуқ манбалари?

4. Маъмурий ҳуқуқ тизими?

Адабиётлар:

Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т1.–Т.: Ўзбекистон, 1996
2. Каримов И.А. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2004
3. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009
5. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза).
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир (2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).
8. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010
10. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи.16-сон.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. «Ўзбекистон», 2011

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2.09.1993 й. Қонуни
3. Фуқароларнинг муқожаатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 6.05.1994 й. Қонуни
4. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1995 й. Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Т. Адолат. 2011.

Махсус адабиётлар:

1. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Тошкент, 1995 й.
2. Алимов Х.Р. Административное право Республики Ўзбекистан. Учебник, Т., Академия МВД, 1999
3. Административное право. / Под ред. Ю.М.Козлова, Л.Л.Попова. – М.:2000 г.

- 4.Тихомиров Ю.А. Административное право и процесс. Полный курс. М., 2001 г.
- 5.Худойбердиева В., Ҳожиёв Э.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2001 й.
- 6.Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004
- 7.Габричидзе Б.Н. и др. Административное право. Учебник. – М.: ТК Велби, 2004.

Электрон таълим ресурслари:

<http://www.tsil.uz>

[**http://www.norma.uz**](http://www.norma.uz)

[**http://www.gov.uz**](http://www.gov.uz)

<http://www.lex.uz>